# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 22 сентябрь, № 203 (7983) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ




Ҳурматли раис Абдулла Шаҳид жаноблари!

Муҳтарам Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблари!

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Антониу Гутерриш жанобларини Бош котиб лавозимига қайта сайлангани билан самимий қутлайман.

Бугун инсоният ўз тараққиёт йўлининг туб бурилиш даврини бошидан кечирмоқда, халқаро муносабатларнинг табиати кескин ўзгармоқда.

Тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга трансмиллий таҳдидлар тобора кучаймоқда, иқлим жадал ўзгармоқда, оммавий миграция оқимлари кўпаймоқда, анъанавий қадриятлар завол топмоқда.

Ишончим комилки, бундай мураккаб шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмаларининг дунё миқёсидаги аҳамияти ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Жаҳон тақдири билан боғлиқ ушбу муҳим жараёнларда айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг етакчилик ролини янги мазмун ва сифат билан давом эттириши зарур.

Биз Бош котибнинг халқаро муносабатлар тизимида ҳамжиҳатлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ва шаффофлигини оширишга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Бугун глобал офатга айланган COVID-19 пандемияси ва унинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-сиёсий оқибатлари диққат марказимизда турибди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик, ҳамма учун ва барча жойда”, деган тамойил асосида вакциналардан тенг ва адолатли фойдаланиш имкониятини яратишга доир ёндашувини тўлиқ маъқуллаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, COVAX глобал платформаси доирасида бизга кўрсатилаётган амалий ёрдам учун хорижий ҳамкорларимизга алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Биз пандемияларга қарши самарали курашда, вакцинация натижаларини халқаро миқёсда тан олиш жараёнларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мувофиқлаштирувчи ролини янада кучайтириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Бош Ассамблеянинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги Кодекс бизнинг бу борадаги амалий ҳиссамиздир.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ва жадал демократик ислоҳотлар бугунги кунда ортга қайтмас тус олди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш демократик ислоҳотларимизнинг асосини ташкил этмоқда.

Сўз ва оммавий ахборот воситалари, дин ва виждон эркинлигини, гендер тенгликни, миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида қатъий қадамлар ташланмоқда.

Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига аъзо этиб сайланди.

Биз бошлаган ислоҳотлар йўлимизни изчил давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон стратегиясини ишлаб чиқдик.

Ушбу Стратегиянинг бош ғояси фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камбағалликни камайтириш, ҳар бир кишини кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш ҳамда барқарор экологик ривожланишга эришишдан иборатдир.

Асосий мақсадимиз — 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришдир.

Бу режамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадлари руҳига уйғун эканини таъкидлаш лозим.

Шу маънода, пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётини қайта тиклаш муаммоларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш бўйича илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган Халқаро конференцияни Тошкентда ўтказишни таклиф этамиз.

Маълумки, глобал ҳаракатларга ёшларни жалб этиш бўйича Бутунжаҳон конференцияси мамлакатимизда муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу йўналишдаги қатъий саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш мақсадида Ўзбекистонда — қадимий Самарқанд шаҳрида мунтазам ўтказилаётган Инсон ҳуқуқлари мулоқотлари доирасида Глобал таълим форумини ташкил этамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз Марказий Осиё минтақасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни мустаҳкамлаб бормоқдамиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз — Марказий Осиёни фаровон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантиришдир.

Бунинг учун биз қўшни ва ёндош минтақалар билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Бу йўналишда Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сурдик.

Афғонистон Марказий Осиёнинг узвий қисми эканини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу давлатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан нафақат биз, қўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир.

Шу боис, биз афғон халқига ҳамиша қўлдан келган ёрдамни кўрсатмоқдамиз.

Яқинда ўзбек — афғон чегарасини очиб, ушбу мамлакатга бирламчи зарур бўлган озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари ва электр энергияси етказиб беришни қайта тикладик.

Ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яккалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Маълумки, биз ўтган йили ушбу олий минбардан туриб, БМТ ҳузурида Афғонистон бўйича доимий фаолият юритадиган қўмита ташкил этиш таклифини билдирган эдик.

Афғон масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсири ва овози ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозим.

Дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий таҳдидлар тобора ортиб бораётгани халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Шу йил ноябрь ойида Тошкентда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегияси Марказий Осиё учун режасининг ўн йиллик натижалари ва истиқболларига бағишланган Халқаро конференция ўтказилиши ушбу эзгу мақсадларга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мазкур тадбир доирасида БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий дастур имзоланиши бу йўналишдаги ишларга катта замин яратади.

Биз бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттирган ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур Бошқармаси иштирокида Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини қамраб оладиган Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ниятидамиз.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига қарши кураш, атроф-муҳит ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Бу нафақат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу инсоний бурчимиздир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу йил май ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилингани учун аъзо давлатларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Биз Париж битимининг мақсадларига эришишга қатъий қарор қилганмиз.

Қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, 2030 йилга қадар иқтисодиётимизнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш, қайта тикланадиган энергия улушини 25 фоизга етказиш, экологик тоза транспортни ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

2025 йилга қадар умумий қуввати 2900 мегаваттга тенг бўлган янги қуёш ва шамол электр станцияларини фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Биз 2022 йилда Оролбўйи ҳудудида, яъни Нукус шаҳрида “яшил энергетика” бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда юқори даражадаги халқаро Форум ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Биохилма-хиллик бўйича Глобал ҳадли дастурнинг яқин истиқболда қабул қилинишини қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, келгусида Биохилма-хиллик Конвенцияси иштирокчиларининг йиғилишларидан бирини мамлакатимизда қабул қилишга тайёрмиз.

Шу билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида глобал экологик сиёсатнинг устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилиш мақсадида 2023 йили Ўзбекистонда Атроф-муҳит бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юқори даражадаги Олтинчи Ассамблеясини ўтказишни таклиф қиламиз.

Ассамблея иштирокчилари Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган экологик офат маркази бўлган Оролбўйи минтақасидаги оғир вазият билан бевосита танишиш ва зарур хулосалар чиқариш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, Ассамблеяда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги экологик сиёсати асосларини ташкил этишга қаратилган Бутунжаҳон экология Хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурмоқчимиз.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон дунёнинг барча давлатлари ва глобал ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни ривожлантиришга доимо тайёр.

Ишонаманки, хавфсиз ҳамда барқарор ўсиш, фаровон келажакни барпо этишга қаратилган яқин ҳамкорликни бундан кейин ҳам кучайтириб бораверамиз.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ижтимоий ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари дастлаб Нукус шаҳридаги “Шорша баба” қабристонига бориб, Муса Ерниязов мақбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат этилди.

Муса Ерниязов кўп йиллар Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимида ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, марҳум хотирасига мақбара барпо этилди. Бугун бу жой обод зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Президент Шавкат Мирзиёев Бўзатов туманига келиб, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жугинис Жуманазаров хонадонида меҳмон бўлди.

Жугинис оға рафиқаси Салима опа билан беш қизни тарбиялаб вояга етказган. Улар таълим, маданият, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритмоқда. Кенжа қизи Улзода Жуманазарова каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони.

Давлатимиз раҳбари оиланинг турмуш тарзи, улар тимсолида бутун бўзатовликларнинг яшаш шароитлари билан қизиқди.

Оила томорқадан унумли фойдаланмоқда. Иссиқхона ташкил этилган, мевали дарахтлар ва полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда.

— Бўзатовда азалдан миришкор одамлар яшайди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ери унумдор, шўри йўқ. Лекин узоқ йиллар имкониятлар таҳлил қилинмай, бир оз эътиборсиз қолганди. Бўзатов халқидан қарзимиз бор эди. Энг яқин марказ — Кегейли тумани марказигача салкам 100 километр эди. Энди шу ернинг ўзида шароит яратиб, давлат хизматларини йўлга қўйиб, иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Тадбиркорларни ишонтириб, субсидия берсак, инфратузилмани яхшилаб, аҳолини кўчиб келишга жалб этсак, бу ҳудуд катта имкониятларга эга.

Бўзатов тумани давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йилда қайта ташкил этилган эди. Кейинги икки йилда бу ерда кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, минг ўринли амфитеатр, спорт майдони, Ёшлар маркази қурилди, йўллар таъмирланди. Тўқимачилик корхонаси иш бошлади.

3

O‘ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI
24 OKTABR 2021-YIL

Сайловолди ташвиқоти доирасида газетамизнинг бугунги сонида Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда Ворисованинг Сайловолди дастурида ижтимоий тенглик ҳамда халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этиш ҳамда бошқа устувор йўналишлар бўйича ташаббуслари илгари сурилган мақолалар чоп этилмоқда.

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилиняпти.

2-саҳифага қаранг.

## Ўзбекистон ва ШҲТ:
# ТАРИХИЙ САММИТ ҲАМДА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

*Мамлакат тараққиёти қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик ва қардошлик алоқаларининг мустаҳкамлиги билан чамбарчас боғлиқ. Яна шундай мураккаб ва чигал муаммолар борки, уни бир ёки иккита давлат ҳамкорлиги билан ҳал қилиб бўлмайди.*

### Акс садо

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ана шундай глобал муаммоларни ечиш, унга аъзо давлатлар иқтисодиётини юксалтириш, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчи давлатларидан бири. 2001 йилда тузилган мазкур ташкилотга бугунги кунда саккизта мамлакат — Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо. Ўтган 20 йилда ташкилот халқаро доирада нуфузли тузилмага айланди. Бугун ШҲТ макони дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган, бой табиий ресурслар, илғор технологиялар ва улкан истеъмол бозорига эга.

Ўзбекистон ШҲТга савдо-иқтисодиёт, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавф-хатарлар ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим воситаси сифатида қарайди.

Душанбе шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлисида ШҲТнинг ўтган 20 йилдаги фаолиятининг асосий якунлари ҳамда кўп қиррали ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор вазифалари муҳокама қилинди.

3

# ОМБУДСМАННИНГ МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ?

*Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада сезиларли ютуқларга эришилди.*

### Мушоҳада

Муҳими, бу йўналишдаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, Президентнинг 2021 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Ундан олдинроқ Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланган бўлиб, унда юртимизни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига киритишни таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Эътиборлиси, мазкур ҳужжат билан Олий Мажлис палаталарининг Омбудсманнинг жойларда доимий асосда ишловчи минтақавий вакиллари лавозимларини жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Алоҳида айтиш керакки, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган минтақавий вакиллар фаолияти йўлга қўйилиши фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда мутасаддиларнинг масъулиятини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда янги бир ҳужжат — “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш режалаштирилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Мазкур ҳужжатда минтақавий вакилларнинг мақоми, вазифа ва ваколатларига оид нормалар назарда тутилмоқдаки, бу ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўла-тўкис таъминлашда айни муддаодир. Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашда минтақавий вакилларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

3

# ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ МЕЗОНЛАРИГА МОС КЕЛАДИГАН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ – АСОСИЙ МАҚСАД



**Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Мақсуда ВОРИСОВА**

**ўзининг Сайловолди дастурида ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонларига мос келадиган давлат ва жамият барпо этишни мақсад қилиб, қуйидаги ташаббусларни илгари сурмоқда:**

### ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ:

- мамлакатда ижтимоий тенгсизликнинг барча кўринишига барҳам бериш;
- пенсия ҳисоблаш тартибини такомиллаштириш, аёлларнинг бола парваришидаги даврини иш стажига қўшиб ҳисоблаш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлаш;
- “Меҳнат муҳожирлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- оғир ижтимоий аҳволдаги оилаларни ижтимоий тураржойлар билан таъминлаш.

### СОЛИҚ, САНОАТ:

- аҳолининг даромадига қараб табақалаштирилган солиқ тизимини жорий этиш;
- асосий озиқ-овқатлар нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш;
- қишлоқ туманларига саноатни олиб кириш.

### ТИББИЁТ:

- аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш;
- шифокорларнинг иш ҳақини 3 баробарга, ҳамшираларнинг ойлик маошини эса 2 баробарга ошириш;
- дорихоналар ва хусусий тиббий муассасаларга алоҳида ижтимоий ташкилот мақомини бериш;
- тиббиёт ходимларининг шаъни, қадр-қиммати ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича қонун қабул қилиш.

### ТАЪЛИМ:

- болаларни 2 ёшдан мактабгача таълимга қабул қилувчи махсус гуруҳлар ташкил этиш;
- бошланғич синф ўқувчилари учун нонушталар ҳамда жамоат транспортларидан фойдаланишни бепул асосда йўлга қўйиш;
- олий таълим учун грантлар сонини ошириш.

### СУД-ҲУҚУҚ:

- фуқароларнинг судларда Халқ маслаҳатчилари сифатида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш;
- қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш.

## МЕҲРИБОНЛИК

### уйларини битириб чиққан ёшларни уй-жой билан таъминлаш, ишга жойлаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш зарур

Ёшлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ташкил қилади. Лекин улар орасида ҳам алоҳида эътибор ва ғамхўрликка муҳтож тоифа бор. Бу — етим болалар. Уларнинг салкам 2 минг нафари Меҳрибонлик уйлари ҳамда Болалар шаҳарчаларида, 560 нафари болалар уйида, 21 минг нафари мактаб-интернатларда тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг нафар ўғил-қиз ҳомийлик, васийлик ва оила патронати қарамоғига олинган.

Етимнинг бошини силаш халқимизда олий фазилат саналади. Ушбу қадрият миллий қонунчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда етим болаларга доир алоҳида модда мавжуд. Унга кўра, мазкур тоифа тўлиқ давлат қарамоғига олинади. Яъни давлат етим болаларни ўқитиш, уларни уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлашга мажбур. Аммо кези келганда бу каби нормалар фақат қоғозда қолиб кетаётгани киши таъбини хира қилади.

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг 51 фоизига уй-жой ажратилган. Меҳрибонлик уйларидан чиққан йигит-қизларнинг 64 фоизи иш билан таъминланган. Бундан англашиладики, мамлакатимизда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган фарзандларни тураржой ҳамда иш ўринлари билан таъминлаш тизими ҳали рисоладагидек эмас. Аҳвол неча йилдирки, ўнгланмаяпти.

Хўш, муаммонинг илдизи қаерда? Нега махсус муассасалардан учирма бўлаётган минглаб қоракўзларимиз катта ҳаёт қийинчиликлари олдида якка ҳолда қолиб кетмоқда. Ўйлашимча, асосий сабаб ижро интизомида. Ахир Меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг уй-жой таъминоти Вазирлар Маҳкамаси гарданида-ку. Янада аниқроқ қилиб айтганда, мазкур масалани жойлардаги ҳокимликлар ҳал қилиши керак. Амалда эса отангга бор, онангга бор қабилида иш тутиляпти.

Қонуний ҳаққини талаб қилолмай, давлат идораларининг эшиги тагида сарғайишга мажбур бўлаётган етимлар ҳақида кўп эшитамиз. Улар уй олиш учун асоссиз равишда навбатга қўйилади, яна қанча югуриб-елади. Ҳолидан хабар оладиган, мушкулини осон қиладиган, оғир дамда суяб, ардоқлайдиган ҳеч кими йўқ.

Бунинг оқибатида шусиз ҳам кўнгли нимта ҳамюртимиз руҳан синмаслиги, давлатдан бир умрга норози бўлиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Инчунин, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга эътиборсизлигимиз, тизимдаги камчиликларга кўзимизни чирт юмиб кетаётганимиз эртага ўзимизгада қимматга тушиши тайин. Гап бир-икки киши эмас, бутун ўзбек жамиятининг тақдири, ижтимоий кайфияти, эртага эл-юртига қандай муносабат кўрсатиши ҳақида бормоқда.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Юртимиз қонунчилигида ҳар бир бола тураржойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган. Турли важ-карсонлар билан мана шу ҳуқуқни таъминлаб бермаслик қонунга итоатсизлик, қўйингки, етимнинг ҳаққига хиёнат демакдир. Ўзбекистонда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчиларининг салкам ярми уй-жой билан таъминланмаган.

Ваҳоланки, ҳар йили шу мақсадда Давлат бюджетидан катта маблағ ажратилади. Демак, халқнинг пули ўртада “туя” қилиб кетилмоқда. Буниси эса энди иқтисодий жиноят. Соҳада коррупция урчиб борган сайин, ижтимоий таъминот механизми издан чиқаверади. Шунча вақт ва маблағни беҳуда совурганимиз қолади, холос.

Мавзуни таҳлил қилиш давомида қизиқ ҳолатга дуч келдик. Расмий манбаларга кўра, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 17 фоизини чин етимлар, қолган 83 фоизини ота-онаси ёки яқин қариндошлари воз кечган болалар ташкил қилар экан. Кўриниб турганидек, давлат қарамоғига олинган жуда кўп ўғил-қизларнинг ё отаси, ё онаси ёки бошқа қариндошлари ҳаёт. Энди ҳақли савол туғилади: нега уларни ўз оиласига қайтариш чоралари кўрилмаяпти? Масала яна тизимдаги нуқсонларни кўриб, кўрмаслигимизга бориб тақалмоқда.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ёзилишича, ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи бор. Барқарор оилавий муҳитнинг бола психикаси учун афзаллигини мутахассислар ҳам тасдиқлайди. Фақат мутасаддилар бу ҳақда унутиб қўйгандек. Қоидага кўра, отаси ёки онаси бор бўлган болалар фақат бир йилгача муддатда Меҳрибонлик уйига қабул қилиниши мумкин. Амалда эса болалар йиллар давомида бундай муассасаларда қолиб кетмоқда. Чунки ҳоким буванинг қарори чиққан. Наҳотки, ўша ҳужжатларга индамай қўл қўйиб бераётган раҳбарлар бола бегоналар билан эмас, жон-жигарлари бағрида униб-ўсиши минг чандон афзал эканини тушунмаса? Қолаверса, мана шундай калтабинлик эвазига давлатга ортиқча юк тушяпти.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ҳам анча оғриқли. Бу борада ҳалигача яхлит тизим шаклланмаган. “Бола вояга етдими, бўлди, ўз аравасини ўзи тортаверсин”, деган тушунча билан яшаяпмиз. Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида таълим-тарбия сифати юқори эмаслиги видеоселектор йиғилишида тан олиб айтилди. Бу кетишда махсус муассасалардан чиққан йигит-қизлар эртага бир ишни эплаб кетишига шубҳа қиласан киши. Аслида ҳам шундай.

Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини ишга олиш ёки “Устоз — шогирд” анъанаси асосида корхона ва ташкилотларда касбга ўқитиш борасида қонунчиликда ҳам ҳеч гап йўқ. Мазкур масалани жиддий ўйлаб кўриб, квоталар тизимини жорий этишнинг вақти келди. Соҳада қатъий жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳам жуда муҳим. Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи бундай ишларга бош қўшса, нур устига нур бўларди.

Эндиликда 18 ёшга тўлган, уй-жойга муҳтож етим болаларга янги қурилган уйлар бепул ажратилади. Хайрли ташаббус, албатта. Бироқ ушбу тизим ҳам ўзини оқлаши учун кенг жамоатчиликнинг иштироки зарур.

**Аброр ҚУРБОНОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.**

## МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

### муассасаларидаги ўқувчилар ва тарбияланувчиларни сифатли озиқ-овқат билан кафолатли таъминлашнинг аҳамияти ҳақида

Яқинда бир маълумотга кўзим тушиб қолди. “Mercy Corps” ташкилоти (АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (USDA) томонидан маблағ билан таъминловчи) “Ўзбекистонда таълим ва болалар учун озиқ-овқат Макговерн-Доул халқаро дастури” доирасида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан англашув меморандумини имзолабди.

Янгиликка кўра, бюджети 21,5 миллион АҚШ долларига тенг ушбу дастур 400 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлайди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги 245 та қишлоқ ва кам таъминланган мактабгача таълим муассасасидаги 90 000 нафар бола учун овқатланиш ва таълим олишни такомиллаштириш бўйича қўшимча инфратузилмани ривожлантиришни кўзда тутади.

Бу хабарни ўқиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларга яхши бўлганидан суюниб турган ҳам эдимки, янгиликка “Facebook” ижтимоий тармоғидаги бир фойдаланувчининг изоҳига кўзим тушди. Изоҳда шундай дейилган: “Ҳамкасбимнинг бир қўшниси кунора уларнинг музлаткичига вақтинча гўшт қўйиб туриш одатини чиқарибди. Ёғсиз, суяксиз — лаҳм гўшт. Бу гўштдан сотиб олишни ҳам бир-икки марта таклиф қилибди.

Ўзининг музлаткичига сиғдиролмай, бошқаникига қўйиб туришга, ўзлари еб улгуролмай, сотиб юборишга эҳтиёжи туғилган бўлса керак, шўринг қурғурнинг.

Ҳамкасбим суриштириб кўрса, у қўшни болалар боғчасида ошпаз бўлиб ишлар экан. Кейин аёлига қўшни гўштини қўйиб туришга бошқа рухсат бермасликни тайинлабди.

Боғчадаги таомлардан ота-она ва болаларнинг нолигани қулоғимизга тез-тез чалиниб туради. Боғчаларга етиб келгунча гўштлар неча поғоналардан юлиниб-шилиниб, болалар овқатига чандир, ёғ, қуруқ суяклар тушса керак.

Энди Америкадан келаётган ёрдамдан кимлар кўпроқ хурсанд бўлаётгани ва у ёрдамнинг қанчаси болалар ошқозонига етиб боришини тасаввур қиляпман”.

Изоҳда айтилган ҳолатга бирор сўз дейишга ҳам кишининг асаби бардош бермайди. Негаки, келажагимиз эгаси деб тарбиялаётганимиз болаларнинг ризқини қийиб, улар учун ажратилган маҳсулотларни уйига олиб кетаётган виждонсиз мактабгача таълим муассасалари ходимларига гап таъсир қилишига одамнинг ишонгиси ҳам келмайди.

Инсон боласини боғчага текинга бермайди, ҳар ой белгилаб қўйилган маблағни тўлайди, болам шу ерда бирор нарса ўргансин, дейди. Лекин юқоридаги каби ҳолатлар кўнгилни хира қилиб, олиб борилаётган сиёсатга нисбатан ишончсизлик кайфиятини пайдо қилади. Чунки агарки, боғча ходими шунчалик разилликка боряптими, демак тизимдаги катталар ундан ҳам каттароқ “ишлар”ни қилаётган бўлиши мумкин, деган гумон пайдо бўлади.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотлари инсон организмини мўътадил даражада ушлаб турувчи манба ҳисобланиб, ҳар бир инсоннинг ўз вақтида, меъёрида ва ёшига мос равишда овқатланиши муҳим аҳамиятга эга. Шу каби болаларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан ривожланишида улар тановул қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрни беқиёс. Мутахассислар фикрига кўра, организмда етарли даражада, яъни сарфланадиган ва озиқ-овқатлар билан тушадиган қувват ўртасида мувозанат сақланса, инсон соғлом бўлади.

Тадқиқотларга кўра, мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг организми тез ўсади, тана аъзолари шаклланиши давом этиб, алмашув жараёнлари юқори тезликда кечади. Бу даврда марказий асаб тизими тезкор суръатда ривожланади. Мактабгача даврнинг охирида болада барча асосий ҳаракатларни эгаллаши ва нутқи яхши ривожланиши жараёни кечади. Бу эса уларда юқори ҳаракат фаоллигини ва катта энергия сарфланишини талаб этади. Бола организмининг ривожланиши, ҳужайралар тузилиши учун керак бўлган моддалар, биринчи навбатда, оқсиллар, витаминлар ва минералларни кўп талаб этади. Айни ёшда кўп вақти мактабгача таълим муассасасида ўтадиган болаларимизнинг қандай овқатларни истеъмол қилаётгани муҳимдир.

Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларнинг ҳам рационал овқатланиши уларнинг ҳар томонлама ривожланишининг бирламчи шартларидан ҳисобланади. Мактаб даври ёшидаги болаларда тезкор ўсиш, мушак ва суякларнинг катталашиши, моддалар алмашинувининг кучайиши кузатилади. Айнан шу даврда одам организмининг тўлиқ етилиши ва шаклланиши кузатилади. Бу мураккаб жараёнларни таъминлаш учун мактаб ёшидаги бола таркиби етарли даражада моддалар ва витаминларга бой тўлақонли биологик маҳсулотлар қабул қилиши керак. Шу сабабли мактаб ошхоналарида қандай овқатлар пиширилиши, ўқувчилар нималарни тановул қилаётганига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Ўсмирлик даврида қатор касалликлар нотўғри овқатланиш сабабли юзага келади. Ушбу ёшларда чизбургер, гамбургер, хот-дог, чипслар билан биргаликда кола, газли ва рангли салқин ичимликларнинг истеъмол қилиниши турли касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Овқат тайёрлаш жараёнида қўпол хатоликларга йўл қўйиш, маҳсулотлардан фойдаланиш технологиясига амал қилмаслик овқат сифатининг пасайишига, организм учун ҳеч қандай қийматсиз таомга айланишига олиб келади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакат келажагининг бунёдкори бўлган фарзандларимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш йўлида ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз даркор. Қадимги юнон файласуфларининг фикрича, одамнинг еяётган овқати бевосита унинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатади.

**Боймурод ЮСУПОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.**

## ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИШ ЗАРУР

Демократик бошқарувнинг муҳим тамойилларидан бири, бу барчага тенг имкониятларнинг тақдим этилиши ҳисобланади. Бу жамият ҳаётидаги барча соҳани ўз ичига олади. Шулар қаторидаги муҳим йўналишлардан бири таълим олишда ҳаммага тенг имкониятларнинг берилишидир.

Агар ривожланишнинг асоси бўлмиш таълимда ҳаммага бирдек енгилликлар берилмас экан мамлакатнинг ривожланиши ҳақида хаёл суриш бефойда. Негаки, инсон катта ҳаётга таълим орқали кириб келади, бундаги нотенглик киши қалбида давлатга, жамиятга, умуман олганда, дунёга салбий назар билан қарашга сабаб бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олий таълимга имтиҳонсиз қабул қилинадиган Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндорлари, “Ниҳол” мукофотига сазовор бўлганлар, тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари, Ёшлар иттифоқининг фаол аъзолари, ҳарбий соҳа кадрларининг фарзандлари ва ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари каби бир неча тоифалар мавжуд.

Айнан мана шу сингари имтиёзлар таълимдаги нотенгликнинг энг катта намунасидир. Негаки, билими йўқ, кенг тафаккурга эга бўлмаган юқоридаги мукофотлар ёки бошқа имтиёзлар соҳиблари олий таълимни битиргач, ишга кириши керак бўлади. Аниқки, мактабда яхши таълим олмаган, университетга ўз билими билан кирмаган йигит ёки қизнинг кейинчалик етук кадр бўлишига ишониб бўлмайди. Шуни ёдда тутиш лозимки, айрим тоифаларгагина имтиёз берилиши коррупциянинг ривожланишига хизмат қилади. Бу қандай содир бўлади? Олий таълимни тугатган билимсиз ва тажрибасиз ёш кадр ишга кириш учун албатта, бирор танишини ишга солади ёки пора бериб ишга кирмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, бугунги кунда тараққиётнинг кушандаси сифатида баҳоланиб, мамлакатни ривожланишдан орқада қолдиради, деб кўрилаётган коррупцияга йўл очилади. Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони шуки, салоҳиятсиз кадр ҳеч бир соҳа ривожига ҳисса қўшолмайди. Бундан кейин давлатнинг ўша соҳаси оқсаганча қолаверади. Кўриниб турибдики, таълимда тенглик яратмасдан мамлакат тараққиётига эришиб бўлмайди, бўлмаган ҳам.

Асосий Қонунимизга кўра, барча фуқаролар тенг ҳуқуқли, лекин олий таълимга ўқишга киришда бу тенг ҳуқуқлиликнинг бузилиши юқорида таъкидлаганимиздек, демократия принципларига мутлақо тўғри келмайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганганимизда уларда биздаги каби ўқишга кириш бўйича баъзи тоифаларга имтиёзлар эмас, стипендиялар, таълим грантлари мавжудлигини кўрамиз. Бу, албатта, барча учун баробар қилиб қўйилган: билиминг бўлса, марҳамат, стипендия, грант ютиб олиб имкониятларга эга бўл. Ҳеч кимга қўш қўллаб имтиёз тақдим этилмайди.

Ҳар йили мамлакатимиздаги ўрта таълим мактабларини 450 мингдан зиёд ўқувчилар битиради. Олий таълимда ўқиш учун ҳужжат топширадиганларнинг ҳар йилги ўртача сони бир миллионга яқин. Лекин олий таълимга қабул қилинувчилар учун ажратиладиган квота битирувчиларнинг 25 фоизини қамраб олади. Битирувчилар ва ўқишга қабул қилинувчилар ўртасидаги фарқ катта.

Бу, биринчидан, чет элга ишга кетувчи мигрантларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан, олий таълимда ўқишни истовчи ёшларнинг қўшни давлатларимиз ёки МДҲнинг бошқа мамлакатларига ўқишга кетишига замин яратяпти.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ёшларимизнинг бошқа мамлакатларга ўқиш учун кетиши миллий иқтисодиётимизга ҳам сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Яъни давлатнинг ичидаги маблағ четга чиқиб кетади. Маълумотларга кўра, охирги йилларда четга ўқишга кетаётганлар сони бирмунча ортган.

Олий таълим тизимида жорий этилган табақалаштирилган тўлов-шартнома тизими ҳам таълимдаги нотенгликлардан биридир. Негаки, аҳолининг кам таъминланган қатламининг фарзандлари табақалаштирилган тўлов-шартнома асосида ўқий олмайди. Чунки бу шартнома суммаси катта маблағни ташкил этади.

Шу сабабли, олий таълимга киришдаги имтиёзларни бекор қилиш, қабул квоталарини ошириш, табақалаштирилган тўлов-шартнома тизимини қайтадан танқидий кўриб чиқиб, кам таъминланган оилалар ҳам тўлай оладиган минимал суммага тушириш лозим.

Ана шундагина, мамлакатимиздаги кадрлар сиёсати ўзининг янги босқичига кўтарилиб, тараққиёт сари олға боради.

*Материаллар Ўзбекистон ХДП Ахборот хизмати томонидан тайёрланди.*

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД МАҚСУДА ВОРИСОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

1 Хонадондан чиқишда бўзатовлик экологлар, маҳаллий аҳоли вакиллари билан мулоқот бўлди.

— Ички имкониятлардан фойдаланиб, тинимсиз ҳаракат қилмасак, натижа бўлмайди. Шунинг учун Бўзатов туманини ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиш мақсадидамиз. Масалан, туманда 11 минг гектар унумдор ер фойдаланилмай турибди. Энди бу жойни илғор вилоятлардан бирига бириктириб, насосларини тиклаб, яхши насл ва навлар олиб келиб, етиштирилган маҳсулотларни сотиб оладиган тизим ташкил этамиз, — деди Президент.

Туман аҳолиси ҳудуддаги ўзгаришларни айтиб, бу борадаги эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Бўзатовда қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон тиббиёт институти ҳузуридаги болалар клиникасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари бундан тўрт йил олдин унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Мазкур мажмуа шу ойда фойдаланишга топширилди.

Клиника стационар шароитда йилига 3 минг 600 нафар, амбулатор тарзда 22 минг 400 нафар беморга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Бу ерда туғма ва сурункали касаллиги бор болаларга юқори технологиялар асосида ташхис қўйилади ва даволанади. Болалар кардиохирургияси, кичик инвазив хирургия, нейрохирургия, офтальмология, оториноларингология, юз-жағ хирургияси, ортопедия ва гинекология бўлимлари замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Шифохонада 300 га яқин кишилар ишлайди. Профессор-ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари Жанубий Корея, Япония, Австрия, Россия каби мамлакатлардаги илғор клиникаларда тажриба орттириб келган.

Президентимиз бу ерда даволанаётган болаларни кўриб, оналари билан суҳбатлашди.

— Оналарнинг бахти — фарзанд. Ана шу бахтни асраш, бемор болаларнинг тезроқ соғайиши, соғломлари касал бўлмаслиги учун ҳамма ҳаракатларни қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Институтда тиббий таълим, илм-фан ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун замонавий шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда амалиёт ўтаётган институт талабалари билан ҳам мулоқот қилди. Тиббий таълим муассасаларида ахборот технологиялари бўйича дарс соатларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида ўтаётган Ёшлар фестивалига ташриф буюрди.

— Ҳозиргина Бўзатов туманидан қайтишда ёшлар фестивали ўтказилаётганидан хабар топиб, сизлар билан учрашишга қарор қилдим. Чунки мен қаерга борсам, албатта ёшлар билан мулоқот қилишга ҳаракат қиламан. Сизларнинг кўзингизда, билимингизда, эртанги кунга ишончингизда Янги Ўзбекистонни, Янги Қорақалпоғистонни кўриб, ўзим учун катта куч-қувват оламан, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида Қорақалпоғистонда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва туманларда 14 та янги мактаб барпо этилди, 4 та олийгоҳ ташкил этилди.

— Мен ҳар доим ёшлар, таълим, билим-билим деб таъкидлайман. Билим "ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди". Қанча кўп билим эгалласак, келажак бизники. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз деб ўзимизга ғоя олганмиз. Бу пойдеворни ким яратади? Фақат билимли ёшлар, — деди Президент.

Ёшларга кенг имконият яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди. Жумладан, 55 та янги мактаб, 187 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари қурилиб, 135 та мактаб капитал таъмирланиши айтилди.

Президентимиз келгуси беш йилда олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказилиши, бунинг учун Қорақалпоғистонда мамлакатимиз ва хорижий университетларнинг 6 та нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилишини таъкидлади.

Шунингдек, келгуси беш йилда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Ёшлар марказлари ва умумтаълим мактабларида 100 мингдан зиёд ёшлар чет тиллари ва IT технологияларига ўқитилади. Қўшимча 6 минг ўринли янги ётоқхоналар қуриб битказилади.

Ёшлар Президент ташрифини олқишлар билан қўллаб-қувватлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунига етди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ТРАНСПЛАНТАЦИЯ:
# ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*Қонунни халқ яратади, дейишади. Бу ҳақ гап. Чунки кабинетда туриб, ҳеч қачон халқ дарди ёки дунёсини билиб бўлмайди. Раҳбарлар, депутатлар қанчалик халқ ичига кириб борса, шунчалик халқчил ва мукаммал қонунлар яратилади.*

*Айни кунларда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Девони ходимлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакилларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари томонидан "Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб бир қатор давра суҳбатлари ўтказилмоқда.*



## Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Бу каби учрашув, давра суҳбатлари фуқаролар билан очиқ мулоқот қилиб, ўзаро фикр алмашиш имконини бермоқда. Тажрибали шифокорлар, айниқса, инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясига иши тушган, ушбу муаммони ўзи ёки яқинлари бошдан кечирган фуқаролар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган ҳар қандай саволга мутахассислардан жавоб оляпти.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида ўтган тадбирда ҳам қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, лойиҳада назарда тутилаётган нормалар ҳақида йиғилганларга кенгроқ тушунчалар берилди.

Мутахассисларнинг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бу каби тиббий муолажалар кўлами ортишига ва сифат жиҳатидан юксалишига, асосийси, беморларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топилишига замин яратади. Шу боис қонун лойиҳасига ўта жиддий, вазмин муносабат талаб этилади. Зеро, гап инсон тақдири, саломатлиги масаласига боғлиқ.

— Қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда халқ билан бамаслаҳат иш тутиш, фуқароларнинг таклиф ва тавсияларини уларда акс эттириш бугунги куннинг асосий талаби, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Ибрагимова. — Айниқса, аҳоли ўртасида ҳар бир қонун бўйича ижтимоий сўров ўтказилишини тизимли жорий этиш фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Савол-жавобларга бой бўлган тадбирда бундай жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган ва ҳозирги кунда соғлом ҳаётда ўз имкониятларини рўёбга чиқараётган ёшларнинг, шундай муолажаларга муҳтож яқинлари бўлган фуқароларнинг фикрлари барчани тўлқинлантириб юборди.

Тадбир якунида мутахассислар томонидан ушбу соҳадаги хорижий тажриба ва қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар банд-ма-банд муҳокама этилиб, иштирокчиларнинг таклифлари тингланди.

* * *

Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмасида "Инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, унинг мазмун-моҳиятини масъуллар иштирокида муҳокама қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда кейинги йилларда мазкур соҳада олиб борилган ислоҳотлар мамлакатимизда буйрак, жигар ва ўзак ҳужайрасини кўчириб ўтказиш амалиётини йўлга қўйишга имконият яратгани, вилоятда гемодиализ ускунаси етишмовчилиги муаммосининг ҳал этилиши беморларнинг ўз вақтида тиббий муолажа олишларини таъминлаш баробарида, ортиқча навбатларнинг олдини олгани қайд этилди.

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб ўтган тадбирда ҳам мазкур қонун лойиҳаси, унинг мазмун-моҳияти, айниқса, трансплантация соҳасини ривожлантириш, унинг бугунги кундаги қонуний асослари, фуқаролар ва тиббиёт ходимлари олдида турган вазифалар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда трансплантация соҳасида кимлар реципиент, кимлар донор бўла олиши мумкинлиги, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборатлиги, бу борада соғлиқни сақлаш тизими қандай ваколатларга эга бўлиши тўғрисида йиғилганларга тушунтиришлар берилди.

— Бугунги кунда инсон аъзолари ва тўқималарини кўчириб ўтказиш амалиётини хорижда катта маблағ ва вақт сарфламасдан Ўзбекистонда ҳам амалга ошириш мумкин, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мадина Баратова. — Бу бўйича республикамизда амалиёт бошланган, уч йилдан буён бу йўналишдаги жарроҳлик амалиётлари бажариб келинмоқда. Агар бу жарроҳлик амалиётлари ўзимизда тўлиқ йўлга қўйилса, ҳам вақт, ҳам маблағ тежалишига эришган бўламиз.

Давра суҳбати давомида ана шундай жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган фуқаролар билан суҳбатлашилди, уларнинг фикр-мулоҳазалари олинди. Ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси ҳамда мамлакатимизда трансплантологияни ривожлантириш бўйича жамоатчилик вакиллари муносабатини ўрганиш юзасидан сўровнома ўтказилди. Унда 200 нафардан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Қоракўл туманида қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам соҳа мутахассислари ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан фаол қатнашди.

Сўз олганлар трансплантология хизмати йўлга қўйилишининг аҳамияти жуда катта эканлиги, яъни энди бемор тўлиқ шифокор назоратида туриши, энг кичик ўзгаришлар ҳам мутахассислар диққат марказида бўлишини таъкидлашди.

* * *

Маҳбуба Чориевада буйрак етишмовчилиги кузатилган. Шу сабабли у 2018 йилда мураккаб жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Амакисининг қизи донорлигида унга буйрак кўчириб ўтказилган. Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида ташкил этилган суҳбат чоғида бу борада қонун жуда зарур эканлиги билдирилиб, қонун лойиҳасига операциядан кейинги даврда дорилар — иммуносупрессорлар билан таъминланишни киритиш таклифи берилди.

Тегишли соҳа вакиллари, депутатлар, мутахассислар қатнашган тадбирда қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Ўз навбатида, қонун лойиҳаси юзасидан фуқароларнинг таклиф ва тавсиялари ҳам олинди.

Мулоқотлар давомида сўз олган Улуғбек Тожиев кам таъминланган бўлгани учун операция қилдира олмагани, бугунги кунда донор борлиги, лекин жарроҳлик амалиёти жараёнида зарур бўладиган маблаққа имкони йўқлигини айтиб, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан муаммоси ижобий ҳал бўлишини билдирди.

Тадбир иштирокчилари кўпчилик кутаётган бу қонун қачон қабул қилиниши, унда қандай нормалар акс этаётгани билан қизиқди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳаси айни пайтда парламент қуйи палатасида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Лойиҳада трансплантацияни амалга ошириш мақсади ва шартлари, трансплантация объектлари, донорлар доираси, донор ҳамда реципиентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилмоқда.

* * *

Ишчи гуруҳ аъзолари Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманига ташриф буюриб, туман тиббиёт бирлашмасида болалар, терапия бўлимларида беморлар билан суҳбатлар ўтказди. Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти қисқача тушунтирилиб, ушбу масалада сўровномалар тўлдирилди. Хўжайли тумани Кенгаши депутатлари, ёшлар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда дин вакилларининг иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг зарурати, мазмун-моҳияти ҳақида батафсил ахборот берилди. Йиғилиш иштирокчилари қонун лойиҳасининг 10 ва 11-моддаларига таклифлар бериб, уни қабул қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлашди.

— Қонун лойиҳасидаги нормалар соҳа вакиллари, ёшлар, кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилиниб, кўплаб таклифлар беріляпти, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мавлуда Адҳамжонова. — Трансплантацияга иши тушган, ушбу муаммони ўзи ёки яқинлари бошдан кечирган фуқаролар, беморлар билан суҳбатлар ўтказиб, уларнинг ҳам таклифларини оляпмиз. Берилган таклиф ва тавсиялар асосида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириб, пухта-пишиқ ҳолатга келтирамиз.

Шунингдек, Нукус шаҳрида буйрак трансплантациясини амалга оширган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари З. Маткаримов, А. Суюнов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош трансплантологи П. Султонов ҳамда тиббиёт ходимлари иштирокида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида йиғилиш ўтказилиб, қонун лойиҳаси муҳокамаси бўлиб ўтди.

Ишчи гуруҳнинг қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ўтказаётган ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*Иқтисодиётни ривожлантириш учун молиявий, техник, технологик ва албатта, инсон ресурслари зарур. Ана шу ресурслар қанчалик қувватли бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Инсон ресурсларини ривожлантириш орқали ёшлар, хотин-қизлар, камбағалликни қисқартириш ва мигрантлар каби долзарб масалаларга доир янги сиёсатни амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, пировардида иқтисодий юксалиш билан боғлиқ жиддий сиёсий вазифалар ечимини топиш мумкин.*

# ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЖИДДИЙ ЭЪТИРОЗИГА САБАБ БЎЛДИ?

Ривожланган давлатлар, жаҳонга машҳур гигант компанияларда бу жуда кучли мотивация, тўғри йўналтирувчи ва рағбат берувчи омил ҳисобланади. Чунки бунда ходимнинг нуфузи босқичма-босқич юқорилаб бориши учун зарур тизим ва молиявий рағбатлар кўзда тутилган.

Шу маънода, мамлакатимизда "Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори такомиллаштирилди. Қарорга кўра, Президент ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор бўлган Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилди.

Хўш, бу қарорнинг ижро ҳолати қандай, ҳудудий кенгашлар қарор билан ўзларига юклатилган вазифаларни қай даражада олиб боряптилар?

Айнан шу саволларга холис жавоб топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан жорий йил август ойида қарор ижроси Самарқанд вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Якунлар Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда депутатлар, қўмита ҳузуридаги эксперт гуруҳи аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан янгиланган "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификатори (ХАЛИКК — 2020)" ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "profstandart.uz" касбий стандартларнинг ягона очиқ портали ишга туширилди. 2021-2022 йилларда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ таъриф-малака маълумотномаларини тармоқ кенгашлари томонидан қайта кўриб чиқиш режа-жадвали ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ва ташкилотларга тақдим этилган. Касбий малака ҳамда билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил қилинган.

Тадбирда депутатлар эришилган ютуқларни эътироф этиб, йўл қўйилган камчиликларни танқид остига олди. Хусусан, қарорнинг 4-иловаси билан "2021 йилга мўлжалланган касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича касб стандартларини ишлаб чиқиш режа-графиги"га биноан вазирлик ва идоралар масъул бўлган тармоқ кенгашлари томонидан касбий стандартлар ишлаб чиқиш режаси белгиланган. Айрим вазирлик ва идоралар масъул бўлган тармоқ кенгашлари томонидан шу кунгача биронта ҳам касбий стандартлар ишлаб чиқилмаган.

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касбларнинг янгиланган классификатори асосида олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига, профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификаторига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар ҳалигача киритилмагани ҳам депутатларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлди.

Тадбирда мазкур ҳолатлар бўйича мутасадди вазирликлар, Самарқанд вилояти ҳудудий кенгашининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилиш якунида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## ОМБУДСМАННИНГ МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ?



1 Минтақавий вакиллар ҳудудларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиниши бўйича тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳар йили маъруза тақдим қилиб боради.

Шунингдек, давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича Омбудсман томонидан Олий Мажлисга тизимли равишда ахборот тақдим қилиш каби нормалар ҳам янги қонундан ўрин олади.

Амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик ҳамда юртдошларимизнинг орзу-умидлари тўла рўёбга чиқиши учун муносиб шарт-шароит яратишдан иборатдир.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

# ҲАР БИР БОЛА ОИЛАВИЙ МУҲИТДА ТАРБИЯ ТОПИШГА ҲАҚЛИ

*Маълумки, жорий йил 29 июнь куни Тошкентда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси билан ҳамкорликда "Ҳар бир бола оилавий муҳитда тарбияланишини таъминлаш мақсадида ноинституционаллаштириш Миллий стратегиясини яратишнинг долзарб масалалари" мавзуида биринчи халқаро конференция ўтказилган эди. Унда миллий ва халқаро экспертлар томонидан юртимизда болаларни парваришлаш тизимини ислоҳ қилиш, бу борада илғор услубни ишлаб чиқиш бўйича халқаро тажриба муҳокама қилиниб, мамлакатимизда ноинституционаллаштириш жараёнини тезлаштириш юзасидан тавсиялар тайёрланганди.*

## Долзарб мавзу

Кеча бўлиб ўтган "Тошкент вилоятидаги интернат муассасаларида яшовчи болалар тўғрисидаги маълумотларни хариталаш ва йиғиш" мавзуида тадқиқот ўтказиш бўйича техник ишчи гуруҳининг йиғилишида айнан ушбу масала кўриб чиқилди.

Унда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Д. Тошмуҳамедова Ўзбекистонда ноинституционаллаштириш сиёсатини шакллантириш бўйича самарали фаолият олиб борилаётгани, хусусан, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база яратилганлигини таъкидлади. Хусусан, Ҳукумат қарори билан 2019 — 2023 йилларда Меҳрибонлик уйларини ноинституционаллаштириш дастури, Етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага қабул қилаётган номзодларни танлаш, кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш тартиби ҳамда Тутинган ота-оналарни тайёрлаш тўғрисидаги низомлар тасдиқланган ва бундай тоифадаги фуқаролар учун бепул ўқув-курслари йўлга қўйилган.

Қайд этилганидек, сўнгги икки йилда 447 нафар тарбияланувчи оилаларга қайтарилди. Васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан 2018 — 2020 йилларда қарийб 13 минг нафар бола васийликка, 4 минг 200 дан зиёди ҳомийликка, 405 нафари оилага тарбияга (патронат), салкам 6 минг 700 таси эса фарзандликка берилди. Меҳрибонлик уйларига жойлаштириладиган болалар сони 232 нафарга ёки 47 фоизга камайгани ҳам эътиборга молик.

Шу каби ютуқларга қарамай, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳамон мавжудлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Масалан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат) бериш амалиётини қўллаш бўйича ишлар талаб даражасида эмас. Қолаверса, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунда 30 дан ортиқ ҳаволаки нормалар бўлиб, бу амалиётда қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Камига Қонунда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссиялар фаолияти билан боғлиқ нормалар йўқ.

Тадбирда Ўзбекистонда болаларни парваришлаш тизимини ислоҳ қилиш усуллари ҳамда бу борадаги хориж тажрибаси юзасидан тақдимот ўтказилди.

Шунингдек, "Тошкент вилоятидаги интернат муассасаларида яшовчи болалар тўғрисидаги маълумотларни хариталаш ва йиғиш" бўйича ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон ва ШҲТ:
# ТАРИХИЙ САММИТ ҲАМДА АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР

1 Анжуманда бугунги халқаро муносабатларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли ошиб бораётгани айтилиб, савдо тўсиқларини бартараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш, божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро бозорларга чиқишни енгиллаштиришни назарда тутадиган Минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш таклиф этилди. Шунингдек, транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШҲТ стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда "Шарқ — Ғарб" ва "Шимол — Жануб" йўлаклари тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билдирилди.

Ўз навбатида, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида саммит иштирокчиларининг эътибори ШҲТ маконида ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини қайта тиклаш муҳим эканига қаратилди. Замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб қайтариш учун ШҲТнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар форумини таъсис этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Умуман, юртимиз тараққиётида ШҲТнинг ўрни ва салоҳияти жуда катта. Бу ташкилотга аъзо давлатлар тенг ҳуқуққа эга ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик пойдевори устига қурилган бўлиб, ундан аъзо давлатларнинг ҳар бири манфаатдордир.

**Дилбар УСМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Сектор фаолиятига бир назар

*Янги Ўзбекистонни барпо этиш, энг аввало, демократик ислоҳотларни жадаллаштириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, халқнинг розилигига эришиш олий вазифага айланганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Унинг ижросида нафақат давлатнинг ўзи, балки барча ташкилот, нодавлат муассасалари, кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки муҳим ўрин тутади.*

*Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқ-тартибот соҳаси, хусусан, прокуратура тизими ҳам ўз фаолиятини бутунлай қайта қуриш йўлидан бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда қуйи бўғиндан тортиб, вилоят идораси ходимларигача ҳар бир кишига ўз хизмат бурчини бажарибгина қолмасдан, замон билан баробар қадам ташлаш, ташаббус кўрсатиб ишлаш қатъий талаб қилиб қўйилаётгани натижадорликни таъминламоқда.*

*Қисқасини айтганда, бугунги прокуратура ходими бундан беш-олти йил аввалгисидан бутунлай фарқланади, кун бўйи идорада ўтириш тартибидан деярли воз кечилган. Одамлар орасига кириб, жойларда қонунлар, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижроси, аҳоли турмуш шароитини яқиндан ўрганиш, кундалик ҳаётда учраётган муаммолар ечимига тезкорлик билан ёрдам кўрсатилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.*

*Айни йўналишда прокуратура тизимига топширилган иккинчи сектор фаолияти имкониятларидан оқилона фойдаланишга эришяпмиз.*



# ФАОЛИЯТ САМАРАСИ ОДАМЛАР РОЗИЛИГИДА АКСИНИ ТОПАДИ



### «Темир дафтар»даги рўйхат қисқармоқда

Пандемия шароитида ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғирлашган оилаларнинг бандлигини таъминлаш орқали уларга даромад яратишнинг вақтинчалик тартибига кўра "темир дафтар"га киритилган фуқаролар билан тизимли ишлашда иккинчи секторга ажратилган барча ҳудудда фаол ҳаракат олиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг иккинчи чорагида 39 000 нафардан зиёд шахсларни ўз ичига олган 8752 оила ушбу дафтарга киритилган эди. Йил давомида мазкур оилалар таркибидаги 11919 нафар меҳнатга лаёқатли фуқаролар бандлигини таъминлаш, жумладан, тадбиркорликка жалб қилиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ёрдамларни кўрсатиш орқали эҳтиёжмандликдан чиқаришга муваффақ бўлинди. Уларнинг бир қисми жойларда ташкил этилган кичик бизнес субъектлари, жамоатчилик ишларига жойланган бўлса, кўпчилиги оилавий тадбиркорлик, ўз ўзини банд этиш йўли билан доимий даромадларига эга бўлганидан сўнг рўйхатдан чиқарилди.

Маълумки, юқоридаги дафтардан ўрин олган оилаларнинг аксарияти кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган. Хонадонларига борсангиз, нафақат рўзғор юритишда қийналган, балки тураржойи ҳам бир аҳволда эканлигига кўзингиз тушади. Давлат ёрдами, ҳомийлар кўмаги билан уларнинг яшаш шароитини яхшилашга амалий ёрдам кўрсатилиб, прокурорлар ташаббуси билан кейинги бир ярим йил давомида 36 та эҳтиёжманд оила учун янги уй қуриб берилган бўлса, 155 фуқаронинг иморатлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Масалан, Наманган шаҳридаги Бунёдкор маҳалласида яшовчи У. Каримова эскириб қолган икки хонагина уйда истиқомат қилаётган экан. Жўжабирдай оилага беш хонали замонавий бино қуриб берилганидан хонадон эгаларининг боши осмонда. Ёки Учқўрғон туманининг Норин маҳалласида истиқомат қилаётган Н. Қорабоевага "Сизга янги уй қуриб берамиз", дейилганида аввалига ишонмади. Энди ҳомийлар кўмагида барпо этилган тўрт хонали шинам уйда мамнун яшаяпти.

### Муаммонинг асосий қисми маҳаллабай ишлаш орқали ҳал этилди

Одатда муаммолардан фуқароларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаатлари орқали воқиф бўлиб келинган. Лекин жойлардаги инфратузилма, одамларнинг турмуш тарзини уйма-уй юриб кўришнинг моҳияти бошқача экан. Бу маҳаллабай ишлаш тизими йўлга қўйилганидан сўнг янаям ойдинлашди.

Иккинчи сектор ҳудудларида янгиликни жорий этиш мақсадида 191 та маҳаллада бошқарув офислари ташкил этилиб, уларга банк муассасалари ва бошқа тизимлардан 244 нафар вакил жалб қилинди. Доимий вакиллар астойдил ишга киришди. 126822 та оила хатловдан ўтказилганда оз эмас, кўп эмас, 29705 та муаммо ва камчиликлар аниқланди.

Бугун одамлар кўпроқ қайси масалаларда қийналишяпти? Ўрганишлар чоғида жойлардаги ночор инфратузилма, ишсизлик, бизнес юритиш учун молиявий ёрдам, истеъмол кредити олиш юзасидан қатор муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Масалан, Тўрақўрғон туманининг Шарқ маҳалласида яшовчи Ф. Набиева тадбиркорликка қўл урган, бироқ бошланғич сармоя масаласида боши қотиб турган экан. Масала тегишли тижорат банки ҳамкорлигида ҳал этилди. Яъни саноқли кунлар ичида ажратилган 30 миллион сўм кредит билан бизнесини бошлаб юборди.

Маҳаллабай ишлаш тизими асосида прокурорлар секторидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан орқада қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 12 та йиғинда алоҳида иш олиб боришга тўғри келди. Уларда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш мақсадида 10245 та оила учун 12 та тадбиркор танлаб олинди. Мазкур субъектларга 26 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди. Маблағлар ишга тушиши билан ушбу ҳудудларда кичик бизнес кенгаяди, аҳоли ўзи етиштирган хом ашё ва маҳсулотларни шартнома асосида етказиб беришга киришади.

Шу ўринда жойлардаги масалалар ечимига ишбилармон ҳамда тадбиркор юртдошларимиз фаол бош қўшаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Биргина мисол. Учқўрғон туманидаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғини биноси яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Ўз бизнесини яхшигина йўлга қўйиб олган тадбиркор Ҳ. Аҳмедов ёрдамга келди. Эндиликда унинг хусусий-шериклик асосида қурилган 6 хонадан иборат биносига МФЙ идораси ҳам кўчиб ўтган. Умуман олганда, кейинги пайтда 17 та маҳалла учун янги бино қурилиб, 59 таси мукаммал ва жорий таъмирдан чиқарилганлиги йиғинлар ишини янада фаоллаштириш имкониятини яратди.

### 191 та маҳаллада «Workout» спорт майдончалари

Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва уларнинг жисмоний чиниқишига хизмат қилувчи бу масканлар "Обод маҳалла" дастури доирасидаги ибратли ишлардан биридир.

Ҳудудлар ободонлиги, инфратузилмани яхшилаш, янги меҳнат ўринлари яратиш, аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ амалий тадбирлар орқали дастурнинг натижадорлиги кўзга яққол ташланади. Чортоқ туманидаги Тинчлик маҳалласи ушбу имконият билан олдингилар қаторига тушиб олган масканлардан. Бу ердаги аҳоли тоза ичимлик суви муаммосидан азият чекиб келаётган эди. Ҳомийлик асосида 130 миллион сўм маблағ эвазига 9 та янги сув чиқариш қудуғи қазилиб, 1,1 километр тармоқнинг қувурлари алмаштирилгандан сўнг 157 хонадонга зилол сув кира бошлади.

Косонсой ва Уйчи туманларида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастури бўйича амалга оширилган ишлардан ҳамма мамнун. Уларда ички йўлларга шағал ётқизиш, кўча ва хонадонлар олдида гулзорлар ташкил этиш, тунги чироқлар ўрнатиш сингари тадбирлардан сўнг ҳудудларнинг қиёфаси ўзгариб, аҳоли турмуш даражаси кўтарилди.

254 километр ичимлик сув, 872 километр электр тармоғи тортилиб, 872 километр узунликдаги ички йўллар таъмирланди. Бу жорий йилнинг етти ойи мобайнида юқоридаги дастур бўйича амалга оширилган ишларнинг бир кўриниши. Бундан ташқари, қишлоқлар меъморий қиёфасини замонавийлаштириш, ирригация ва мелиорация тармоқларини созлаш, алоқа ва ахборотлаштириш, ижтимоий соҳа фаолиятини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги тадбирлар амалга оширилдики, бунда иккинчи сектор вакилларининг ташкилотчилик роли ҳам анчагина.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Ногиронликни белгилашнинг аҳволи қандай?

Ногиронлиги бўлган фуқаролар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами орасида алоҳида ўрин тутади ва давлатимизнинг доимий эътиборида.

Ушбу тоифадаги инсонлар саломатлигини тиклаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш бўйича ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси прокуратура органларининг қатъий назоратида. Чунончи, ногиронлиги бўлганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимимиз ходимлари ташаббуси билан кейинги пайтларда 368 кишига махсус аравача, 140 кишига қўлтиқтаёқ, 225 та эшитиш мосламаси, кўплаб ортопедик мосламалар етказиб берилди.

Сиртдан қараганда, бу борадаги ишлар рисолада бораётгандай кўринади. Амалда эса жойларда ногиронлиги бўлганлар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ айрим камчиликлар ҳамон содир этилаётгани кишини ташвишга солади.

Хусусан, прокурорлар томонидан касбий меҳнат лаёқатини йўқотган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тиббиёт бирлашмаларида диспансер назоратига олинган фуқароларда ногиронлик гуруҳларини белгилашнинг аҳволи ўрганилганда жорий йил 1 июль ҳолатига ушбу тоифадаги беморлардан 4428 нафарига вақти ўтиб кетган бўлса-да, тиббий меҳнат эксперт комиссияларига йўлланма тақдим этилмаганлиги аниқланди.

Бу оз кўрсаткич эмас ва улар ортида турган инсонларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан азият чекаётганлигидан нишона. Албатта, бундай ҳолатларда белгиланган ваколатдан фойдаланиб, тиббий муассаса ва тегишли масъуллар ҳаракатга келтирилди. Юқорида қайд этилган шахслар тўла тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари кўригидан ўтказилиб, зарур хулосалар берилди.

### Таълим муассасалари биноси дахлсиз

Вояга етмаганлар таълим-тарбияси учун етарли шарт-шароитларни яратиш давлат миқёсидаги устувор вазифаларнинг аввалида туради. Бунинг учун, биринчи навбатда, замонавий таълим муассасалари, ўқитишнинг илғор технологиялари зарур.

Гапнинг сирасини айтганда, бу соҳада амалга оширилаётган ишлардан халқнинг розилиги ортиб бораётир. Бироқ мактаб, мактабгача таълим ва касб-ҳунар коллежлари фойдаланувида бўлган бино ва иншоотлар, ер майдонлари билан боғлиқ ажабтовур ҳолатлар ҳам рўй бермоқдаки, эзгу ишларимизга соя сифатида ташвиш уйғотади.

Ўтказилган текширишлар жараёнида вилоятдаги 76 та мактаб, 23 та касб-ҳунар коллежи ҳамда битта мактабгача таълим ташкилотида бино ва иншоотлар ҳамда ер майдонлари қонунга зид равишда, юқори турувчи вазирлик розилигисиз аукцион савдолари орқали сотиб юборилганлиги маълум бўлди. Мактабларнинг балансидан олиниши белгиланган аксарият бино ва ер майдонлари таълим ҳудудининг ички қисмида жойлашганлиги, ундан тадбиркорлик мақсадида фойдаланилиши келгусида ўқитиш жараёнига яхшигина тўсиқ бўлиши кундай равшан. Қолаверса, бундай шароитда тадбиркорнинг самарали фаолият юритиши ҳам даргумон.

Натижа нима бўлди, дейсизми? Прокурор назорат ҳужжати қўллаш орқали юқорида кўрсатилган бино ва иншоотлар ҳамда 40 гектардан ортиқ майдон ўзининг ҳақиқий эгалари балансига қайтарилиши ва тегишли йўналишда фойдаланиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиши белгиланди. Энг муҳими, бу билан 72 мингдан ортиқ вояга етмаганларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 23 июль куни аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш бўйича берилган топшириқлар ижросини таъминлаш учун вилоят бўйича 1195 та мурожаат қайта ўрганилиб, илгари ечимини топмаган 635 та мурожаат ижобий ҳал қилинишига эришилди.

Умуман, иккинчи сектор вакилларининг вилоятда соғлом тадбиркорлик муҳити яратиш, ижтимоий-иқтисодий соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа кўплаб йўналишлардаги изчил фаолияти ҳақида юқоридаги сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг асосий мақсадимиз халқни рози қилиш, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Жаҳонгир ҲАТАМОВ,**
**Наманган вилояти прокурори.**

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгашидан

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгашининг қарорларига мувофиқ 2021 йилда берилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2022 йилнинг 25 январига қадар узайтирилди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:**
100047, Тошкент шаҳри,
Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 317-хона.
Тел.: 71-233-59-46, 71-236-77-07.

**Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:**
100011, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона.
Тел.: 71-244-41-60, 71-244-41-62.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгаши.**

## Фестиваль

# ХАЛҚ ҚАЛБИНИНГ КУЙЧИЛАРИ САРАЛАНДИ

*Нукус шаҳрида II Халқаро бахшичилик санъати фестивали якунланди. Фестивалда сараланган халқ қалбининг куйчилари тантанали тақдирланди.*




Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ушбу маросимда ҳар бир миллий маданиятнинг ҳаётбахш чашмаси ҳисобланган бахшичилик санъатини янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масаласи экани таъкидланаркан, бу борада Ўзбекистонда салмоқли ишлар олиб борилаётгани, жумладан, ушбу бебаҳо маданий мероснинг илмий-назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш ҳамда ёш авлодга ўргатиш, тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Юртимизда иккинчи маротаба ўтказилаётган мазкур фестиваль ушбу фикрларнинг ёрқин далилидир.

Нуфузли санъат анжумани дунё халқларининг бахшичилик санъати, маданияти анъаналарини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, барча халқларни санъат орқали яқинлаштириш ва улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ЮНЕСКО, АЙСЕСКО каби халқаро ташкилотлар шафелигида ўтказиб келинаётган йирик халқаро фестиваллардан бирига айланди. Тадбирларда сайёрамизнинг турли қитъаларидан 60 дан ортиқ давлатлар, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этгани ҳам шундан далолат беради.

Нукусда ўтказилган фестиваль дунёнинг турли ўлкаларидан келган халқ оғзаки ижоди ижрочилари — бахши, жиров, оқин, манасчи, ошиқ ва шоирларни бир даврада жамлаб, ўзаро ижодий беллашиш, фикр-мулоҳаза алмашиш, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга, анжуман доирасидаги халқаро илмий-амалий конференция эса бахшичилик санъатини илмий тадқиқ этиш, бой анъаналарни қиёсий ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашишда қулай имкониятларни яратиб берди.

Тадбирда халқаро фестиваль ғолибларига диплом, пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Бош соврин — Гран-при Жанибек Пиязовга (Ўзбекистон) насиб этди. 1-ўринга Юлиана Кривошапкина (Россия, Якутия), яна битта 1-ўрин Феруз Норматов (Ўзбекистон) лойиқ кўрилди. Элмира Жангаберген (Қозоғистон), Мубариз Алиев (Озарбайжон), Алексей Ховаляг (Россия, Тува), Гулбаҳор Ахимбетова (Ўзбекистон) каби ижрочилар 2-ўринга муносиб топилди. 3-ўринга Самад Кочобаев (Қирғизистон), "Каукасус" гуруҳи (Грузия), Хоссейин Гейлан (Эрон), Бахшиқул Тоғаев (Ўзбекистон) сазовор бўлди.

Шунингдек, турли номинация ва йўналишлар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОН

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

NBU
O'ZMILLIYBANK

**Жамиятнинг номи:** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.

**Жойлашган жойи:** 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Электрон почта манзиллари:** info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz.

**Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили:** 2021 йил 15 октябрь, соат 10.00. Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.

**Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана:** 2021 йил 11 октябрь.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. «Ўзмиллийбанк» АЖ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг 2021 йил 22 майдаги 8-сонли баёни 3-бандида кўрсатилган (банкнинг 2020 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш масаласи) тақсимланмаган фойда — ҳисоб рақамида қолдирилган 512 178 192 631,58 сўмни банк устав капиталини оширишга йўналтириш.

2. 2021 йил якуни бўйича режалаштирилган соф фойдани банк капиталини тўлиқ оширишга йўналтириш.

3. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.

4. «Ўзмиллийбанк» АЖ устав капиталини ошириш ва банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

**Акциядорларни ахборот (материаллар) билан таништириш:** банк сайти, хат орқали ва электрон хат орқали амалга оширилади.

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.10 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6